



КОНСТИТУЦИЈАВИЙ СУД РЕФЕРЕНДУМ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида»ги қарори (илоvasи билан) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Суд мажлисини Конституциявий суд раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов олиб борди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Аскар Гафуров маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни билан Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибига риоя қилингани, референдумга қўйилаётган Конституциявий қонун лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмаслиги ҳамда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан

референдум тайинлаш тартибига риоя этилгани каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, лойиҳа юзасидан фуқароларнинг фикр ва тақлифларини қабул қилиш, умумлаштириш ва уларга жавоб қайтариш механизмлари жорий қилинган. «Meningkonstitutsiyam.uz» электрон платформаси, қисқа рақамли call-маркази, почта алоқаси, маҳаллалар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролардан 220 мингдан ортиқ тақлифлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколати ҳисобланади. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мурожаатида кўрсатилган масала Сенатнинг тегишли қарори билан ҳам тасдиқлангандан сўнг амалга оширилади. Қонун тартибидоги масала юзасидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати вакиллари, адлия вазири ҳамда Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Қисқа танаффусдан сўнг очик суд мажлиси давом эттирилди. Унда Конституциявий суд раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов Конституциявий суд қарорини ўқиб эшиттирди.

Конституциявий суд қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023 йил

10 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида»ги қарори (илоvasи билан) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деб топилди.

Конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўйишга монелик қилувчи ҳолатлар аниқланмади. Конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўйиш Конституцияга мувофиқ деб топилди.

Конституциявий суд қарори Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига юборилади.

Мухтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири



Азиз газетхонлар!
Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораптими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Жиззах вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

175 нафар ходимга иш ҳақи ундириб берилди

Рағбат ходимларнинг ишдан моддий ва маънавий қониқиш ҳосил қилиш, ташкилот учун қадрли эканлигини тушуниши, уларнинг фойдали иш коэффициенти ошишига хизмат қилади. Шунингдек, меҳнат интизомини яхшилаш, унумдорликни ошириш баробарида ташкилотнинг фаолият самарадорлигини таъминлайди. Ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи эса кадрлар қўнимсизлигига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига Ғалларол тумани тез тиббий ёрдам ходимларидан бир гуруҳи Республика тез тиббий ёрдам маркази Жиззах филиали ҳисобчилари иш ҳақларини тўғри ҳисоблаб бермаётгани

ҳамда қолиб кетган иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан шикоят аризаси йўллашди. Ушбу мурожаат юзасидан тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Шерзод Шербеков ўрганиш олиб бориб, аризадаги вазлар асосли эканлигини аниқлади. Натижада, иш берувчи номига жорий йилнинг февралда бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатма киритилди. Унга асосан, 175 нафар ходимнинг иш ҳақлари қайта ҳисоб-киتاب қилинган ҳолда 113 миллион 707 минг сўм миқдоридоги иш ҳақлари ундириб берилишига эришилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Кун нафаси



ПРЕЗИДЕНТ СУРХОН ВОҲАСИДА БЎЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хуудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

УЛУҒБЕК ҚОСИМОВ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ



Президент фармони билан Улуғбек Бердиқобилович Қосимов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинланди.

ҲАЛОҚ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ УЧУН ИМТИЁЗЛАР БЕЛГИЛАНДИ



«Батан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент фармони қабул қилинди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАР ФОЛЬКЕР ТЮРК ТОШКЕНТГА КЕЛДИ



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Фолькер Тюрк бoshчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташир буюрди.

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: «АНДАРХОН» САВДО-ЛОГИСТИКА МАРКАЗИГА ТАМАЛ ТОШИ ҚўЙИЛДИ



Фаргона вилояти Бешарик туманида Тожикистон билан чегарадаги «Андархон» назорат-ўтказиш пункти ёнидаги майдонда «Кўқон» эркин иқтисодий зонасига боғлиқ савдо-логистика марказига тамал тоши қўйишга бағишланган тантанали тadbир ташкил этилди. Унда икки давлат вакиллари иштирокида келажак авлодга мактуб имзолашиб, савдо-логистика маркази пойдевори рағмий тамал тоши қўйилди.


ҲАМШИРАЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Туркиянинг Соғлиқ билимлари университетини билан ҳамкорликда Тошкентда Ҳамширалар академияси ташкил этилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида университет ректори Жавдат Эрдол билан ўтган мулоқот чоғида бу бўйича келишувга эришилди.

КАТТА МОНОПОЛИЯЛАРНИ ЖИЛОВЛАШ КЕРАК!



АЙНИ КУНЛАРДА YANDEXНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИШТАХАСИ ЯНАЯМ ОЧИЛГАН – ТАКСИ ЛОЙИХАСИ ОРТИДАН ЕТКАЗМА СЕРВИСИ ҲАМ ФАОЛ РЕКЛАМА ҚИЛИНЯПТИ: АРЗОН ЭКАН, ТЕЗ КЕЛАРКАН, БОНУСИ БОРАКАН ВА ҲОКАЗО.


Биз буни беш йиллар аввал Yandex такси мисолида кўрган эдик: арзон нархлар, қимматбаҳо машиналар ва ҳоказо. Ушанда маҳаллий такси компаниялари дод солишганида, демпинг қиялпти, нархларни тушириб, бизни синдириб, ўзи монопол бўволади деганида, эътибор бермадик ё «рақобатлаш, кўлингдан келмаса, майдонни тарк эт», дея калтаўйлик қилдик. Мана, бугун бутун бошли такси тармоғимиз Yandex «игнасига ўтирган», рақобат деярли йўқ. Яндексжон истаган фойзини кўяди, пулни истаган пайтда олади ва беради, арз қилганинг бефойда, унга тенг келадиган рақобатчи амалда йўқ.

Бундан уч йил аввал Давлат солиқ кўмитаси раисининг собиқ ўринбосари Мубин Мирзаев «Яндекс такси Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиши ва солиқларни тўлаши керак» деган эди, лекин бу иш шу пайтгача амалга ошмади.

Аввало, хориждан инвестор экан деб идеаллаштириб, оёғига бош уриш керакмас – улар бизнес лойиҳалар, хайрия ташкилотлари эмас. Демак, асосий мақсади фойда олиш – қанча кўп бўлса, шунча яхши. Қонунчиликда тақиқланмаган ҳамма усуллар мумкин, қонунчилигинизда бўшлиқ бўлса, бу – сизнинг муаммоингиз.

Мен рақобатга қарши эмасман, маҳаллий компанияларимиз ўсиши ва ўз устида ишлаши лозимлигини тушунаман, лекин бу-

АВВАЛО, ХОРИЖДАН ИНВЕСТОР ЭКАН ДЕБ ИДЕАЛЛАШТИРИБ, ОЁҒИГА БОШ УРИШ КЕРАКМАС – УЛАР БИЗНЕС ЛОЙИХАЛАР, ХАЙРИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭМАС. ДЕМАК, АСОСИЙ МАҚСАДИ ФОЙДА ОЛИШ – ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, ШУНЧА ЯХШИ. ҚОНУНЧИЛИКДА ТАҚИҚЛАНМАГАН ҲАММА УСУЛЛАР МУМКИН, ҚОНУНЧИЛИГИНГИЗДА БЎШЛИҚ БЎЛСА, БУ – СИЗНИНГ МУАММОИНГИЗ.



нинг учун тенг ш а р о и т л а р лозим. Оғир вазни боксчини энгил вазниси билан кўриб, жангидан завқ олмасми? Бу ўша спорт турини ривожлантирадими? Албатта, йўқ.

Шунинг учун бутун дунёда давлатлар монополияларга қарши курашади, рақобат муҳити ҳақида қайғуради.

Бозор мустақиллиги – мустақилликнинг асосий шартларидан. Ҳозир бу интернет

сервислар мижоз билан мулоқотдан кўра пиарга ружу кўйган. Бўлмаса, мен анчадан бери Яндекс Go да карта билан тўлов муаммоси ҳақида бонг уриб келаман истеъмомчи сифатида. Мендеклар сон мингта. Лекин компания бу муаммони ҳал қилгани йўқ, тўлов тури билан муаммолар кўпайди. Компания эса фақат реклама ва пиарни кучайтириш билан жавоб берди – истеъмомчилар баттар унинг «мулки» бўлиши учун. Биз ҳайдовчи ва йўловчи ўзаро уришиб юрверамиз, улар бизнес қилаверади.

Бир гигант бугун етказма бозоримизга ҳам кириб келаётган экан, орадан маълум муддат ўтиб, бу соҳамиз ҳам такси каби бир жойга кириб кетмаслиги учун эс борида этак ёпиш керак, ўзини рақамли бо-

зор ўйинчиси деб атаётган, аслида, ҳақиқий реал бозорда бизнинг солиқларимиз эвазига яратилган реал инфраструктурадан ва ресурслардан фойдаланиб, «соққа қилаётган» компанияларни ўз қондаларимиз асосида ўйнатишни бошлашимиз керак.

Шу кунларда Сенат «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририни қабул қилди. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси раиси ўринбосари Фаррух Қорабоевнинг маълум қилишича, қонун имзоланса, уч ой ўтиб кучга киради ва қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланиб бозорда яққоқимликка интилаётган компанияларнинг таноби тортилиши мумкин.

Фаррух Қорабоевнинг сўзларига кўра, ҳозир устун мақомга эга компания рақобат қондаларини бузса, атиги 3 миллион сўм жарима тўлар экан. Яндексга ўхшаган гигантлар учун бу жуда арзимас тўлов. Жаҳон тажрибасида бундай ҳолларда айланмадан 30 фоизгача жарима кўзда тутилган.

Буёғига кўрамиз, ушбу қонун қандай ишлайди, қанчалик самарали бўлади ва вазиятни қайси томонга ўзгартиради? Лекин ютқазимиз керак бўлса, ҳар доим биз – истеъмомчилар ютқазимиз эҳтимолли катта. Ҳушёр бўлмасак, бузун улар бераётган бонуслар шаклидаги «садақалар»ни кун келиб тунналаб қайт қилишимиз мумкин. Буни асло унутмайлик!

Шаҳноза СОАТОВА

Муаммо

ШИФЕР машмашаси

Рўзигул опанинг икки нафар ногирон фарзанди бор. Очиғи, томини бостириб беришларини сўраб, тақиллатмаган эшиги ва кирмаган идораси қолмаган. Қаерга бормасин, «ҳомий топилса, албатта, шу иш билан шуғулланамиз, кутин!», деган жавобни эшитади. Тўртқўл туман ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини узоқ вақтдан бери онахонга рўйхат, ҳомий ва албатта, ёрдам берилиши ҳақида гапиришади. Лекин қачонлигини ҳеч ким билмайди.

Аёлнинг саломатлиги ҳам илгаригидек яхши эмас, руҳан толиққан.

– Ёмғир ёки қор ёғди дегунча ташвишга тушиб қоламан, – дейди у. – Томдан чакки ўтиб, уй зах тортади. Мутасаддилар дастлабки мурожатимга истеъмом кредити олиш билан жавоб қилишди. Аммо бунинг учун 15 та зотдор қорамол боқишим керак бўларкан. Шундан тушган маблағ эвазига моддий аҳволингизни бемалол тиклаб оласиз, дейишди. Лекин бунга имконим ҳам, кафили ҳам бўлмади. Фарзандларимдан ортмайман, молларга қарашга кучим ҳам етмайди. Олдинлари хотин-қизлар бўлимидан келиб, холимдан хабар олиб туришарди. Ҳозир эса ҳар замонда телефон қилиб туришади.

– Кейин маҳалла раиси Рустам Муратов, ўзини депутат деб таништирган Бахтиёр Машарипов исми йигит ҳам келди. «... Сизни рўйхатга киритганимиз, ҳомий топилган заҳоти томингизни ёпиб берамиз», деганча кетишди. Наҳот, рўйхат узундан узун бўлса? Билмадим, унинг қаерида эканман? Баъзида текшириб келувчилар хоналарни айланади, суратга олади, натижа эса йўқ. Қизим Умиданинг тутқаноқғи тутиб қолса, мадорим етмай қолади. Уғлим Қудрат 37 ёш. Ногирон бўлишига қарамай, бозорда аравақашлик қилади. У топаётган кунлик даромадини рўзгорга ишлатамиз.

Рўзигул Авезова Тўртқўл туман Туркiston маҳалласи, Дўстобод кўчаси 77-уйда истиқомат қилади. Турмушининг муштарига бардош бериб яшаётган онахонга фарзандларини «Меҳрибонлик уйи»га топшириш таклифини берганлар кўп бўлди. Аммо у кўнмади. Гарчи, ёши қирққа яқинлашиб қолган бўлса-да, болатабит Умида ва бийрон тиллари билан «онажон, сизни яхши кўраман» дея эрқаланувчи Қудрат – онахоннинг борлиғи. Инсонга эътибор ва ғамхўрлик борасида қатор ислохотлар амалга оширилиши назарда тутилган жорий йилда Рўзигул она сингари маҳалла ва ҳокимият ўртасида муаммоларига ечим излаб сарсон бўлаётган инсонлар дардига малҳам топилса, ажабмас.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



МУҲТАШАМ САРОЙДАГИ СОНГА КИРМАС ЎРИНДИҚЛАР

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги санъат саройи қурилганига 43 йил бўлди. Жорий таъмирлаш ишларини ҳисобга олганда, ўтган давр мобайнида у атиги бир марта – 2018 йилнинг ёзида капитал таъмирланган. Уша кезлар сарой раҳбари Исроил Фуломов daryo.uz сайтига берган интервьюсида шундай деган эди: «Саҳнани, зал ва ўриндиқларни ўзгартирамиз. Ўйламанки, режалаштирилган ишларнинг 70 фоизини йил охирига қадар бажаришга улгурамиз. Бунда ҳамма нарсани ҳисобга олиш лозим. Баъзи концерт дастурлари 2-3 соат давом этади. Агар томошабин ўзини ноқулай сезса, концертдан баҳра

олмайди. Шу сабабли қулайлик яратишга қўлдан келганча ҳаракат қиламиз, ўриндиқлар эса бу борада муҳим роль ўйнайди. Уларни янгилаш арафасидамиз».

Мана, ўшандан буён орадан салкам 5 йил ўтди. Яқинда шу саройда бўладиган концертга бордим. У бошлангунга қадар бошқа қатордан жой олган танишим билан бироз сўхбатладим. Мен ўтирган ўриндиқ жуда ноқулай бўлиб, бир томонга оғиб турарди. Бундан ташқари, бирмунча қаттиқлигига қараганда, 2-3 соатга чўзиладиган концертларга мўлжалланмаганди.

Концерт бошланиши арафасида ўз ўринимга ўтдим. У ердаги ўриндиқ ҳам бояғи-

Ажабо!

сидан қолишмасди. Томошабинлар орасида эса ёши катталар кўп. Табиийки, улар бундай қаттиқ ва носоз ўриндиқларда узоқ вақт ўтиришга қийналишади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўриндиқлар сарой капитал таъмирланган йили янгиланганми? Борди-ю, аксинча бўлса, раҳбар нимага асосланиб, бундай ваъда берганди? Ёки янгиланган бўлса, 5 йил ичида баъзилари нега бундай ночор бўлиб қолди?

Қандайлигидан қатъи назар, одамлар концертларга дам олиш ва маънавиятини бойитиши учун келишади. Белгиланган миқдорда пул тўлаб, чипта сотиб олишади. Шундай бўлгач, уларга ҳар томонлама қулайлик яратилиши шарт!

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

БУГУН...

АҚШ БАНК ТИЗИМИ БЎҲРОНДАМИ?


АҚШ банк регуляторлари Silicon Valley Bank (SVB) дан сўнг Нью-Йоркда жойлашган Signature Bank ни ҳам ёлдилар.

MarketWatch нинг таъкидлашича, Signature Bank, кичик бизнес ҳамда криптовалюта эгалари орасида анча машҳур бўлган. «Банк мижозларнинг омонатларига рақамли активларни жойлаштириш хизматларини тақдим этган. Бироқ криптовалю-

тага сармоя киритмаган, у билан савдо ҳам қилмаган кредитлар бериш учун уларни гаров сифатида ҳам қабул қилмаган», дейди Signature Bank расмийлари.

«Ушбу молиявий компаниянинг барча омонатчилари тўлиқ товон пули оладилар», – дейлади АҚШ Молия вазирлиги, Федерал захира тизими ва Федерал депозитлари сўғурталаш корпорацияси (FDIC)нинг қўшма баёнотида.

СИ ЦЗИНЬПИН МОСКВАГА ТАШРИФ БЎЮРАДИМИ?



Хитой раҳбари Си Цзиньпин келаси ҳафта Москвага ташриф буюришни режалаштирмоқда, дея хабар бермоқда Рейтер агентлиги.

Агентлиқнинг маълумотларига кўра, Си Цзиньпин Россия Президенти Владимир Путин билан учрашмоқчи, бироқ бошқа тафсилотлар очикланмаган.

Путин хитойлик ҳамкасбини ўтган йилнинг охирида видео-конференция орқали бўлиб ўтган музокаралар чоғида Москвага таклиф қилган эди. Россия раҳбарининг сўзларига кўра, бу бутун дунёга Россия-Хитой алоқаларининг мустақамлигини намойиш этибгина қолмай, икки томонлама муносабатлардаги йилнинг асосий сиёсий воқеасига айланади.

ТЕҲРОН: ЯҚИН ОРАДА ЭРОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ...

Яқин келажакда Эрон ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ташкил этилиши мумкин. Бу ҳақда душанба кунги Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Носир Қонуний Чофий маълум қилди, дея ёзади унинг сўзларидан иқтибос келтирган Nour News портали.

«Эрон ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлари учрашуви, умид қиламизки, яқин орада бўлиб ўтади», дейди Эрон ТИВ матбуот котиби.

«Икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўртасида тўғридан-тўғри музокара-лар ўтказиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ, учрашуви ташкил этиш жараёни дипломатик каналлар орқали амалга оширилади», дейди Қонуний Чофий.



2023 йил 12 март. Тўхтовсиз ёмғир ёмоқда, аммо...
Ноқулай об-ҳаво шароити олдиндан режалаштирилган «Yangi Nafas» югуриш мусобақасининг ўтишига ҳеч қандай тўсқинлик қила олмади.
Ушбу тадбирда 34 та давлатдан 5 минг нафарга яқин профессионал ҳамда ҳаваскор спортчи қатнашгани сўзимиз исботи.



Спорт

МАҚСАДИМ – 42 КИЛОМЕТРЛИК МАСОФАНИ ЗАБТ ЭТИШ

Марафон аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби, Триатлон Федерацияси раиси Виктор Маҳмудов ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Адҳам Икромов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга омад тилади.
Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, «International Tashkent Marathon» «World Athletics» тадбирлар календарига киритилган бўлиб, Марказий Осиёдаги аҳамиятли халқаро спорт мусобақаларидан бири ҳисобланади.
Бу йилги марафон доирасида профессионал спортчилар учун 2024 йил Парижда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига лицензиялар ҳам ўйналди. Мусобақанинг умумий

мукофот фонди 259 миллион 720 минг сўмни ташкил қилди.
Хуллас, тўхтовсиз ёққан ёмғир бирорта иштирокчини шаштидан қайтара олмади. Мусобақа кескин ва мурасасиз ўтди.
Ҳамюртимиз Шоҳруҳ Давлатов ярим марафон масофасини 1 соату 3 минутда босиб ўтиб, нафақат Ўзбекистон рекордини, балки 2012 йил апрель ойида Душанбе шаҳрида ўтган мусобақада ўрнатилган Андрей Петровга тегишли рекордни ҳам 49 сонияга қисқартирди. Шу тариқа Ш.Давлатовнинг натижаси «V International Tashkent Marathon»нинг янги рекорди эди белгиланди.
Дарвоқе, марафонда Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерациясининг Ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси ҳам иштирок этиб, 21 км масофани 2 соату 33 минутда босиб ўтди.
– Анчадан буён ҳаваскор спортчи сифатида нуфузли мусобақаларда қатнашиб келаман, – дейди Шаҳбоз Саидхонов. – Бу – бешинчиси. Хусусан, Чимкент шаҳри, Бухоро ва Самарқандда ўтказилган марафонда 5-10 км гача югурганман. Бу гал 21 км масофани забт этдим. Ушбу мусобақа учун январь ойидан тайёргарлик кўрдим. Мақсадим – халқаро мусобақанинг 42 км.лик йўналишида иштирок этиб, ушбу маррани ҳам босиб ўтиш.

Ўз мухбиримиз

Мулоҳаза

«Дайнов»га айланган «Денов»

Менинг фамилиям – Дайнавова. У кўпчиликка ғалати туюлади. Шу боис мендан «Дайнов» қандай маънони англатади? деб сўрашади. Тўғриси, болалигимда бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандим. Кейинчалик исмлар маънони тўғрисидаги китоблардан, луғатлардан ва ижтимоий тармоқлардан кўп изладим, барибир, аниқ жавоб тополмадим. Охири бобомнинг ўзидан сўрашга аҳд қилдим.

Х а, айтганча, бобомнинг исми, ҳақиқатан ҳам, Дайнов. У Нишон туманидаги Гулистон қишлоғида яшайди. Ёши 84 да. 11 нафар фарзанди, 50 нафар невараси, 70 нафар эвараси, 3 нафар чевараси бор. Табиатан ўта меҳнаткаш ва бардам-бақувват, қачон қараманг, қандайдир юмуш билан банд бўлади. Тўй-маъракаларга бошчилик қилиб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатади.
Ўзининг айтишича, бобомнинг исми аслида «Денов» атамаси билан бир хил. У эса Сурхон воҳасида XIV аср охириларида барпо этилган қадимий шаҳарнинг номи бўлиб, ёзма манбаларда «Деҳнаво», яъни «Янги қишлоқ» деб битилган экан. Ҳозир Сурхондарё вилоятидаги туманлардан бири ва унинг маркази саналмиш шаҳар худди шу ном билан юритилади.
Аваллари фарзандлари турли касалликлардан вафот этавергани туфайли баъзи



ота-оналар янги туғилган чақалоқ яшаб қолсин ва узоқ умр кўрсин деган илнжда унга кўҳна шаҳар ёки қишлоқ номини исм сифатида қўйишган. Денов сўзи шевада Дайнов дейилган.

Бундай исми кишиларни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси орасида учратиш мумкин.

Мадина ДАЙНОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Мурғаккина гўдак... У ҳали нима айб, қандай хато қилганини англамайди, фақат энаганинг аёвсиз тарсакиларидан чинқириб йиғлайди. Шунинг баробарида боши ва юз-кўзини уришга шайланган қўллардан беркиртишга ҳаракат қилади...
Анави болакай ҳам дарғазаб тарбиячига ёлвориб боқади. Аммо илнжли нигоҳларга парво қилинмайди.
Митти қўлчалари билан ўзини ҳимоя қилолмайдиган, гапиролмайдиган ва юролмайдиган яна бир норасида эса бошқа бир бераҳмнинг калтакларидан ўнсиз йиғлайди...



БОЛАЛИКДА ЮРАККА МУҲРЛАНГАН ЖАРОҲАТ

у умрбод хотирада сақланиб қолади

О чиғи, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда бунга ўхшаш ҳолатлар акс этган видеоларни томоша қилишдан юрагим безиллаб қолган. Шу боис уларни охиригача кўролмайдим. Охиригача кўрганлар эса ниҳоятда ғазабланиб, изоҳлар ёзишди.
Ҳар гал шундай лавҳалар тарқалганда, беихтиёр жаҳлингиз кўзиб, «Ҳой, ярамас, сен қандай аёлсан?» деб юборасиз. Ахир, у ҳам она-ку! Ҳали турмушга чиқмаган бўлса, кейинроқ оила куриб, фарзандлар кўраб, ахир. У аёл бўлиб яралган-ку! Ураётгани бировники бўлса ҳам бола-ку, боланинг беғонаси бўлмайди-ку! Шундай экан, уни уришга қандай ҳадди сифди, боланинг ёшли, аламли ва ўтинчли нигоҳларига қайси виждон билан тик қарай олди?
Ахборот технологиялари асрида яшашимиз. Шу боис бунақа нохуш воқеалардан бир зумда хабар топамиз. Ўрни келса, уларга муносабатимизни билдирамиз. Бироқ, орадан ҳеч қанча ўтмай, барчасини унутамиз, болаларни урган тарбиячи ва энагаларни эсламай қўямиз.

А м м о калтакланган гўдаклар-чи? Уларнинг вужуди бўл-маса, қалби жароҳатланади. Унинг асоратлари эса боланинг хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Боғча орасининг таъна-дашномлари

Дўстни хўрлаш – гуноҳ. Умр йўлдошини хўрлаш – юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш – минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш – чексиз гуноҳ...
Ўткир ҲОШИМОВ

қулоғининг остида доимо жаранглаб туради, шапалоқ тортиган, турткилаган қўлларининг зарби ўқсик дилига умрбод азоб беради.
Бола – пошшо, халқимиз болажон, деймиз ва яна, бир болага етти маҳалла – ота-она, деймиз. Аммо ён-атрофимизда бўлаётган аянчли воқеаларни кўриб ёки эшитиб, «Биз киммиз? Қайси аждодлар авлодимиз ва қачон қараб кетяпмиз?» деган саволлар гирдобида қоламиз.
Хўп, майли, энагалар ва хусусий уй-боғчалардаги қаровчилар болалар психологиясини тушунмайди, чунки улар бу соҳа бўйича ўқимаган бўлиши мумкин, дейлик. Аммо тарбиячилар-чи? Ахир улар йиллаб шу соҳада таълим олишган-ку? Наҳотки, уларга болани уриб тарбиялаш керак, урмасанг, сўкмасанг, гапингга кирмайди, деб ўргатишган бўлса?..
Хўш, бундай ноҳўя хатти-ҳаракатлар учун қонунчиликда қандай жазолар белгиланган? Ўз вазифасини суиистеъмол қилган боғча ходимларига нисбатан қандай чоралар қўлланилади?
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази бош маслаҳатчиси С.Туремуратов бу саволларимизга қуйидагича жавоб берди:
– Албатта, бу ҳолатда суриштирув ёки тергов ишлари олиб борилади. Агар тарбиячи болани (ёки болаларни) бир марта урса-ю, тан жароҳати етказмаган

бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва унга нисбатан ишдан бўшатиш чораси қўлланилиши мумкин. Борди-ю, бола жароҳатланган бўлса, унинг оғир-енгиллигига қараб, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланади. Бу маҳалла – ота-она, деймиз. Аммо ён-ўринда жазо чораси энаганинг ҳаракати, уришдан мақсади ва мотивларига қараб тайинланади мумкин.
Мабодо, болани муттасил қийнаб келган, дўппослаган бўлса, Жиноят кодексининг 110-моддасига кўра, уч юз олтиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Менинг таклифим: ота-оналар энагалар ва қаровчилар ёллашда имкон қадар расмий ташкилотлар хизматларидан фойдаланганлари маъқул. Фарзандлари тарбиясини нотаниш, болалар психологиясидан беҳабар, турли феъл-атворли инсонларга эмас, балки расман рўйхатдан ўтган, ўз касби сирасорларини пухта биладиган, кичкинтойлар билан тез тил топиша оладиган кадрларга ишониб топширган маъқул. Албатта, бундай хизматлар мамлакатимизда кенг йўлга қўйилиши зарур.
– Одатда, болалар нега калтакланганини тушунмайди, фақат ота-онаси нима учун ўзини бу баджаҳл одамга

Муносабат

қолдириб кетгани ҳақида ўйлайди, – дейди оила ва болалар психологи Алишер НОСИРОВ. – Оқибатда, унда кўрқув пайдо бўлади. Бу ночорлик ҳиссини юзага келтиради ва бола улғайганда ҳам кўрқувдан қутулмайди. Ҳар бир бола доимо ота-она тарафидан ҳимояланган эҳтиёж сезади ва шундай ҳис билан яшайди. Урадиган энага қўлида қолган болада бу эҳтиёж кучайгани сайин унинг руҳиятида ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Кўпчилик ота-оналар бундан беҳабар қолишлари, фарзанди айтган тақдирда ҳам, унга ишонмасликлари мумкин. Эътибордан четда бўлган бола эса доимо «Мени ҳеч ким ҳимоя қилмайди», деган ҳадик билан яшайди. Шу боис ўсиб-улғайганида уришқоқ, турли вазиятларда ўзини идора эта олмайдиган бўлиб қолади. Бошқалар билан сабабсиз жанжаллашади ёки ўзини кўрсатишга уринади. Ҳатто устозлари ва ёши улугларга ҳам қўпол муомалада бўлади. Эски хотиралари, ҳаётига тааллуқли сўзлар боланинг ҳаётини издан чиқариб юбориши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ёки у одамлардан ўзини олиб қочадиган, кам гапирадиган, кўрқоқ ва ўзига ишонмайдиган бўлиб қолади.

Бола содир бўлган воқеа ҳақида айтса-ю, ота-онаси ишонмаса, баттар тушунликка тушади. Нормал ҳолатда эса ўзини ўзгалардан устун қилиб кўрсатади ёки жамиятдан четга тортади. Одамларга ишончи ҳам сусаяди. 3 ёшгача бўлган кичкинтойда айна ҳолатлар кузатилса, улғайганида унда кўпичина маъмул асабийликлар юзага кела бошлайди. Болалигида гапириб тушунтириб беролмаган бўлса-да, ўша вазиятларга боғлиқ хотиралар унинг онгини ҳеч қачон тарк этмайди. Кейинчалик собиқ энаганинг ҳидига ўхшаш ҳидларни туйганида, унинг овозига ўхшаш танга, сўз, ҳид хотиралари бўлади. Шу сабабли орадан бир неча йиллар ўтса-да, уларга ўхшаш одамларни учратганида асабийлашади ёки ўзини олиб қочади.

Демак, ота-она имкон қадар болани тинглаши, руҳиятидаги ўзгаришларни назардан қочирмаслиги лозим. Энагаларни ёллаш жараёнида унинг ранг-рўйи ва рафторига, юз-кўзларида болага меҳр бор-йўқлигига эътибор қилиши зарур. Фарзанди парвариси ва тарбиясини дуч келган, турли характерли кишиларга топширмаслиги, мурғаклигида боланинг юрагига ва онгига муҳрланган маънавий жароҳатлар унга бутун ҳаёти давомида салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслиги керак.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2030-5808
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OVIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV
Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-90-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov
Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov
Bosishga topshirish vaqti – 02:00
Topshirildi – 02:20
Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G-313**
Nashr ko'rsatkichi: **133**

1 2 3 4 5 6
Umumiy adadi 31359
14535 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.